




АХОЛИ ХОНДОНЛАРИДА ҚОРАМОЛЛАРНИ ТМР ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПАРВАРИШЛАШ

Ахоли хондонлари учун ўқув-услубий құлланма



Тошкент-2021

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВЕТЕРИНАРИЯ ВА
ЧОРВАЧИЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ
ДАВЛАТ ҚҮМИТАСИ

ЧОРВАЧИЛИК ВА ПАРРАНДАЧИЛИК ИЛМИЙ-
ТАДҚИҚОТ ИНСТИТУТИ


636.2
A 97

ТАСДИҚЛАЙМАН
Ўзбекистон Республикаси
ветеринария ва чорвачиликни
ривожлантириш давлат
қўмитаси раиси

Б.Т.Норқобилов
“ ” 2021 йил

АХОЛИ ХОНДОНЛАРИДА ҚОРАМОЛЛАРНИ
TMR ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА
ПАРВАРИШЛАШ

Ахоли хонадонлари учун ўқув-услубий қўлланма



Тошкент-2021

КИРИШ

Республикамизда ишлаб чиқариладиган гүшт маҳсулотларини асосий кисмини корамол гүшти ташкил қиласди. Ҳозирги кунда корамоллар бош сони 12 млн 968 минг бош бўлиб, аҳоли хонадонларида бокилаётган моллар 94 фойзни ташкил этса, ишлаб чиқариладиган гүшт маҳсулотлари 90 фойзини ташкил этади. Шу сабабли TMR технологияси аҳоли хонадонларида олиб борилмоқда. Ўзбекистонда аҳоли хонадонларида корамоллар устида кенг микиёсда олиб бориладиган илк илмий таддикот ҳисобланади.

Чорва молларини тўла кийматли озиқлантириш чорвачилик маҳсулотларини кўпайтиришининг асосий омилларидан биридир. Кишлок хўжалик ҳайвонларининг гүшт маҳсулдорлиги уларнинг зотига, жинсига, ёшига ва ирсий ҳусусиятларига энг муҳими озиқлантириш меъёрига боғлик равишда ўзгариб боради.

Гўштнинг сифатини баҳолашда гүшт нимтасининг мускул тўқимасини ёғ тўқимага нисбати билан баҳоланади. Корамол гүшти таркибида оқсил миқдори 15,75 фойздан 24,8 фойзгacha бўлиб, триптофан аминокислотасини оксипролин аминокислотасига нисбати билан гүшт сифати белгиланади. Гўштнинг таркибида оксипролин миқдори қанча кам бўлса, гүшт сифатли ҳисобланади. Триптофанинг оксипролинга 4,5-5,0 нисбатда бўлиши юкори сифатли гүшт саналади. Гўштнинг майнинлиги ва ёқимли таъми мускул тўқималари оралиғида тўпланган ёғ миқдори билан белгиланади, гўшт нимтасида ёғ тўқимасининг фоизи ҳайвоннинг ёши, жинси ва озиқлантириш меъёрига караб 10-45 фойзга қадар бўлиши мумкин. Яна бир асосий кўрсаткичларидан бири гўшт нимтасининг суяқ миқдорига нисбати билан ҳам баҳоланади. Корамолларнинг ёши ва семизлигини ортиб бориши билан гўштдаги суякнинг фоизи камаяди ва ўртача 4:1 нисбатта тенг бўлади, 1 кг гўштнинг каллориялиги гўшт таркибидаги оқсилга айниқса, мускуллар оралиғидаги ёғга боғлик. Ўртача семизликдаги 1 кг гўштнинг каллорияси 1230 к.кал бўлса, ўртачадан юкори семизликдаги гўштнинг каллорияси 2880 к.кални ташкил қиласди.

Аҳоли хонадонларида бокилаётган корамолларнинг асосий кисмини маҳаллий корамоллар ташкил қилиб, улар аҳоли хонадон эгаларининг кўшимча даромад манбаи ҳисобланади. Айниқса улар корамолларни гўштга бокиши ҳисобига даромад оладилар, шу сабабли гўшт стиштиришнинг энг мақбул ва арzon усувларини ишлаб чиқиш соҳа олдида турган асосий вазифалардан бири ҳисобланади.

TMR модули тўғрисида қисқа маълумот

TMR (Total Mixed Ration) – инглиз тилидаги термин бўлиб ўзбек тилига – Умумий аралашма озуқалар жамланма рациони деб таржима қилинади ва ҳар доим озиқлантириладиган чорва молига ҳамма озуқаларни, ем ҳашакни бирданига аралаштириб едирилишига айтилади. TMR ўт-ҳашакни ва омухта смли озуқани озуқавий талаб миқдорига мос нисбатда аралаштириб, керакли

макро-микроэлементларни ҳам құшған холда аралаштириб тайёрланади. Бундай озукадан фойдаланиш орқали ошқозон ҳазм килиши билан bogлиқ касалликларни ҳам камайишига эришилади.

Хозирги давргача корамолларни озиқлантиришда үтли отукалардан күплаб фойдаланиб келинган. Лекин хозирги замонавий чорвачиликни ривожлантиришда донли экинларни, осон ачийдиган ем озукаларини едиришнинг янги озиқлантириш тизими яратилмоқда ва бу орқали ривожланиб келмоқда.

TMR-нинг фойдали томонлари. Ўт озукаси ва смли отукани бирданига аралаштириб озиқлантириш услуги ҳисобланади, корамолда жинси ва үсиш босқичлари буйича керакли озукани талаб миқдорига мөсравишида озиқлантириб парваришлаш, яъни бўрдокилашнинг охирги босқичигача бузокни озукани ҳазм миқдорини қай даражагача эканлиги тахлил килиниб уни ҳар доим бир хиллигига риоя килинади. Үсипни ва мускуллар орасидаги ёғлилик даражасининг үсишига риоя килинади. TMR асосида озиқлантирилганда ўт озукасини танлаб сийилишини олди олинади. Ўтларни чайнашда сўлак ажралиб чикиши таъминланади ва бунинг натижасида ошқозонни нейтраллаштиради. TMR озукасини тайёрланпода нархларнинг арzonлиги ва қишлоқ ҳўжалигидаги ишлаб чиқаришдан чиқкан колдик озукалардан фойдаланиш сабабли, ем-хашак маҳсулотларини харажатларини кисқартириш орқали яхши томонларини кўришимиз мумкин. Корея давлатида тажрибадаги бузокларда үтли озукалар ва TMRни аралаштириб бир вактда бузокларга едирганда бузоклар TMRни кўпроқ танлаб озиқланган. Хозирги кунда замонавий чорва фермаларида донли экин асосан ачийдиган умумий аралашма рационли озукалар кўп берилмоқда бунинг натижасида бузокларни танасида касалликлар кам ва маҳсулдорлик юкорилиги кузатилмоқда. Агарда ем озукаларни кўп бериладиган бўлса үтли озукаларнинг кам едирилиши сабабли ич кетиши ва ошқозон билан bogлиқ касалликларни пайдо бўлиши жуда кўп кузатилиши мумкин.

TMR озукасини едиришнинг хусусиятлари: Агарда бузокларга үтли озукани етарли даражада едириладиган бўлса уни чайнаш ва ҳазм қилиш вақти үсиси борганилиги сабабли сўлак ажралиши кўпайиб кислота билан биргаликда нейтраллашиши осон бўлади.

TMR орқали керакли озиқа миқдорини мослаб озиқлантирилганда бузокларни үсиши ва мускуллар орасидаги ёғни кўйайишига хизмат килади. TMR ошқозон ичидағи фойдали микроорганизмларни ривожланишига ёрдам килади ва организмдаги касалликлар пайдо бўлишини камайтиради. TMRни ишлаб чикиш жараёнида озука таннархи арzon бўлади, чунки ишлаб чиқаришдаги қолдиклардан фойдаланилганлиги сабабли фермалардаги ем хашакнинг харажатлари кискаради. Агарда TMRни бериши кийин бўлган ҳўжаликларда үтли озукаларни аввал бериб кейин ем едириш яхширок ҳисобланади.

Озуқаларни едиришга тайёрлаш ва озиқлантириш

Рационлар ҳар бир вилоятнинг озука турларига караб ҳар ойда янгидан тузилади. Айникса рационларни тузилишида рацион таркибидаги озуқаларнинг ҳилма-хиллигига алоҳида эътибор берилади. Озуқаларни едиришга тайёрлашда айникса ёз даврида куннинг иссиқлигига ҳам эътибор берилади. Хонадонларда корамолларни озиқлантиришни кун тартибига катъий риоя килган ҳолда олиб борилиши назорат қилиб борилади. Суғоришда сувнинг ёз кунлари исиб кетишига киш келиши билан молларни совук сув билан суғорилмаслиги ўргатиб борилади.

Кунлик озиқлантириш рациондаги ўтли озуқалар (беда пичани, табиий пичанлар, сомон, маккапоя ва бошқалар) аввал ўт киркиш ускунасида 2-4 см узунликда майдаланиб, унга омиҳта ем, туз, минерал қўшимчалар, хонадонлардан чикқан пучоклар, нон колдиклари аралаштирилиб унга сув кўшилди. Намлиги 50-60 % қилиниб маҳсус идишларга зичлаб киш кунлари, 3 кун ёз кунлари 1 кун давомида салафан билан беркитиб димлаб қўйилди. Киш кунлари уибу озуқалар 3 кун давомида кизиб, юмшаб ёқимли хидга эга бўлади. Натижада киш кунлари молларга озуқалар иссик холаттда берилиб ортиқча энергия сарфлашнинг олди олинди, майнинги хисобига ейилувчанлиги яхшиланиб осон ҳазм бўлишига ва ҳазмланиш даражасининг ошишига олиб келди. Ёқимли хиди қорамолларнинг иштахасини очиб озуқаларни қолдирмасдан охиригача сийилишига эришилди. Энг асосийси бу усулда тайёрланган озука корамоллар томонидан танламай ейилишига олиб келди. Аввалилари озуқаларнинг камида 30 %-и нушхурдга, яъни чиқитга чиқиб кетган бўлса, бу технологияни кўллаш натижасида истрофарчиликнинг тўлиқ олди олинади. Бунинг натижасида корамол эгаларининг харажатлари камайиб, даромадлари ошади. Корамоллар режим асосида бокилиши натижасида уларга меҳнат сарфи ҳам кескин камайди.



1-расм. ТМР озуқаси компонентлари

TMR технологияси күлланилганда озукаларнинг яхши ейилиши билан бирга, чорва моллари томонидан яхши истеъмол килинмайдиган ёввойи холда ўсадиган ўсимликлар(шўра, янтоқ ва бошқалар) ва томорқаларда етиштириладиган картошка, помидор каби ўсимликларнинг палакларидан хам озука сифатида фойдаланилади. Бу эса корамол эгаларининг озукаларга бўлган эҳтиёжларини қондиришда муҳим аҳамиятга эга бўлиб, кўплаб ўсимликларнинг икрофарчилигининг олдини олишда муҳим қадамлардан бири бўлади.

Республикамиизда аҳоли хонадонларида корамолларнинг асосий қисми боқилишини ҳисобга олсак, ушбу усул тўғри танланганлигига амин бўламиз. TMR технологиясини кўллаш натижасида чорва озукаларининг нобудгарчилигига чек кўйилди, демак камида 30 % озука иктисол килинади.

TMR технологиясида озукалар рецепт асосида тайёрлангандан сўнг 3 кун давомида шиббаланиб усти маҳкамлаб ёпиб кўйилади. Натижада озукалар майнинлашиб улардан ёқимли хид кела бошлайди, бу эса корамолларнинг иштаҳасини очиб сўлак безларини жадал ишлашига олиб кслади. Тайёрланган озукаларда моллар истеъмол қиласдан парчаланиши жараёнлари бошланади. Ушбу озукалар истемол қилинганда ҳазмланиши даражаси 15-20 %-га ошади, шу сабабли озукалардан яна 15-20 %-га самаралироқ фойдаланилади.



2-расм. TMR озукаси тайёрлаш жараёни

Гўшт учун бокиладиган молларнинг парваришлиш узок вақт давомида, бу тоқлинидан бошлаб гўштга топшириши давригача парваришилаш тартиби ҳар хил бўлинини инобатга олиб сифатли мол гўштини ишлаб чиқариши мумкин.

Суяклар ва ҳазм қилини тизимлари бокиш ва етиштириши даврида

ривожланганлиги туфайли, ошкозон күшимча озукалар билан яхши ривожлантирилган бўлиши лозим. Бокишда бўйин, бел ва ковурға мушаклари яхши ривожлантирилиши лозим. Бокишнинг сўнгги босқичида протеин ва бошка ёѓлар орқали мускуллар ичидаги ёѓ асосий мускулларнинг ривожланишига эришилинади.

Бузоқлик даврининг биринчи уч ой даври сут даври хисобланади. Сут даврида янги туғилган бузокларни биринчи хафтасида она сути билан бокилади, бу даврда 250-300 кг сут сарфланади. Бузокларга 20 кунлик ёшида сифатли беда пичани ва омихта емлар берилади. Охурларда доимо ош тузи ва минерал озукалар бўлиши керак.

TMP озукани беда пичани ёки бошка юкори сифатли озука билан тайёрлаш мақсадга мувофик. Рацион таркибида дағал озукалар (табий пичан, сомон ва бошқалар) 50%, омухта ем 25%, силос 25% ва сув кўшиб 50-55 фоиз намлиқдаги аралашма уч кун маҳсус идишларда димлаб кўйиб кейин едириш тавсия этилади.

Бузоклик даврида бузокларнинг кунлик ўсиши 500-600 граммни ташкил этиши керак ва уларнинг 12 ойлик ёшида тирик вазни 180-200 кг-га стказилади.

Сут даврида бузокларни бокин схемаси

Ёши ой	Тирик вазн, кг	Кунлик озука миқдори, кг				Минерал озукалар, г	
		Сут	Омухта ем	Силос	Пичан	Туз	Мел
1-й	35	120	2	0	2	150	50
2-й	50	100	15	10	5	500	300
3-й	68	30	24	30	15	650	300
4-й	84		27	115	26	750	450
5-й	100		30	150	30	850	600
6-й	116		42	195	50	900	600
Жами 6 ойда	250	140		500	128	3800	2300

Ёш бузокларнинг 6 ойлик ёшидан 15 ойлик ёшигача бўлган давр ўсиш даври хисобланади. Ёш молларнинг ўсиш ва ривожланиши муҳим кўрсаткичлардан хисобланади. Бузокларнинг жадал ўсиши сабабли иштаханинг кескин очилиши тана скелетининг ҳам шундай кўрсаткич билан ўсишини талаб этади. Шу сабабли мускуллар қалин ва тезроқ ўсади ва кунлик истеъмол ҳам ошади. TMP озукалари эса кальций ва фосфор минерал озукалар билан тўйинтириллади.

Тана ўсишини тезлаштириш учун, корамолларни вазнини орттириш мақсадида озука миқдорини молларни тирик вазнини хисобга олган ошириб бориш керак. Омихта емга бўлган талаб озиклантисириш рационида ўсиш даврида 20-30 %-дан бурдокилаш даврида 65-70%-гача оширилади.



3-расм. Ёш бузоклар

Корамолларни ўсиш ва бурдоқилаш давридаги күнлик озиқлантириш рационы

Озука турлари	Үлчов бирлиги	Ёши, ой					
		6-9	10-12	13-15	16-18	19-22	23-26
		Тирик вазни,кг					
		100-150	150-200	260-320	325-380	380-450	450-550
Күнлик тирик вазн ўстириш, г							
Пичанлар	кг	600	600	650	750	800	1000
Сомон	кг	3	3	3	3	3	2
Силос	кг	1	2	3,5	3	3	4
Омухта сем	кг	5	10	12	15	15	5
Ош тузи	г	1,2	1,2	1,5	2	4	6
Премикс	г	15	20	25	40	50	55
		20	25	35	45	55	60

TMR технологияси самарадорлиги

Республикамизда ахоли хонадонларида корамолларниң асосий килеми бокилишинин ҳисобга олсақ, бу технология тұғыр танланғанлығында амин бұламиз. Авшаллардың ахоли хонадонларида одаттый мол бокиша озукаларниң едиришінде старлы даражада тағжерланымастырылғанда 30 ғойында озукаларниң побудтарчылығында үйлек күннелар зерттеуде TMR технологиясини



resurs markazi

Inv № 33489.

қўллаш натижасида чорва озукаларининг нобудгарчилигига чек қўйилди, демак 30 фоиз озука икғисод килинди.

TMR технологиясида озукалар рецепт асосида тайёрлангандан сўнг 3 кун давомида шиббаланиб усти маҳкамалаб ёпиб қўйилади. Натижада озукалар майниншиб улардан ёкимли хид кела бошлади, бу эса ёни корамолларнинг иштаҳасини очиб сўлак безларини жадал ишлашига олиб келади. Тайёрланган озукаларда моллар истеъмол қилмасдан парчаланиш жараёнлари бошланади. Ушбу озукалар истемол қилинганда хазмланиш даражаси 15-20 фоизга ошади, шу сабабли яна 15-20 фоизга самарадорлироқ фойдаланилади.

Ёш қорамолларни озиқлантириш ва бўрдокилашда хорижий технологияни қўллаш орқали мармарсимон гўшт этиштиришини йўлга кўйини



Хар бир бош мол хисобига юқимишча вазни хисобига 1 млн, озука тежалишидан 2 млн, жами **3 млн** фойда олинади

4-расм. TMR технологиясининг самарадорлиги

Ахталаш

Чорвачилиги ривожланган Голландия, Германия, Истроил, Жанубий Корея каби давлатларда насл учун олиб қолинган буқачалардан ташқари хамма буқачалар ахталанади. Бу эса уларга сунъий уруглантириш орқали молларнинг насл ва маҳсулдорлигини оширишга, юкори тирик вазни олишга, озукани тежашига сифатли мармарсимон гўшт этиштиришга кенг имконият яратади.

Эркак бузокларни жинсий фаолиятини бартараф этиш учун ахталашини хошишга кўра ташлаб бажариш мумкин. Юзага келадиган ўсишга бўлган тўсқинликни олдини олишни кўзлаб, ахталашни буқачалариниг ёни 4 ойликдан 8 ойгача бўлган муддатда жарроҳлик ёки қонсиз кастрация каби бошқа усувлар билан амалга ошириш тавсия килинади.

10.000 ₸



"XALQ NASHRIYOTI" XKda chop etildi.

Manzil: Toshkent sh., Qorasaroy ko'chasi, 316 uy.

Tel.: (71) 242-05-10; (95) 170-04-02; (99) 040-04-02.

buyurtma adadi 200 nusxa. Qog'oz bichimi 297x420 1/8.



ЧПИТИ

АҲОЛИ ХОНАДОНЛАРИДА ҚОРАМОЛЛАРНИ ТМР ТЕХНОЛОГИЯСИ АСОСИДА ПАРВАРИШЛАШ

Аҳоли хонадоnlари учун ўқув-услубий қўлланма

Тошкент-2021